O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2007-yil ● 1-mart ● Payshanba ● 26 (27.671) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

МАКТАБ УЧУН СИФАТЛИ ЖИҲОЗЛАР

«Ўзэкспомарказ»да республика Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус жиҳозлар ва спорт анжомлари кўргазмаси очилди

Таъкидлаш ўринлики, мазкур кўргазма Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Унда 50 га яқин мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус жиҳозлар ва спорт анжомлари ишлаб чиқарувчи корхоналар-ташкилотлар иштирок этмоқда.

Бизга маълумки, бундан аввалги кўргазмаларда корхоналар томонидан намойиш этилган барча турдаги мактаб жиҳозлари мутахассислар, ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда жамоатчилик томонидан ҳар томонлама пухта ўрганилиб, йиғилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришга кенг жорий этилганди. Мазкур кўргазмадан кўзланган яна бир мақсад, 2006 йилда жойларга етказиб берилган мактаб жиҳозларининг бугунги кундаги аҳволи, ташқи кўриниши, сифат ва дизайн кўрсаткичларини ўрганиб, шу асосда жорий йилда янгидан қуриб-таъмирланадиган мактаблар учун мақбул мебелларни танлашдан иборат.

Кўргазма жорий йилнинг 10 мартигача давом этади

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

БАҲОРНИНГ ИЛК КУНИ, ИЛК НАФАСИ МУБОРАК БЎЛСИН, ЮРТИМ!

Бугун борликда Баҳорнинг илк нафаси эсмоқда. Ҳар жонни ардоқлаб, ҳаётнинг зилол, оқ, пушти, қизил, яшил, кўк — минг рангини қўшиқ ила қалбларга жойлаб фасллар ҳукмронлиги яна Баҳорга ўтди... Кокилларини ювиб турган икки дарё — Жайхун ва Сайхун бошидаги қорли тоғларга, ҳадемай чор-атрофга гилам бўлиб тўшалгуси барқут тусли далалару, лолақизғалдоқлари бодраб очилгуси қирларга, адрларга, қўзигул, чучмома, бўтакўзлар билан буркангуси яйловларга ҳамал еллари қанот қоқиб йўл олди.

Эътибор қилган бўлсангиз, уч-тўрт кун олдин юртимиз кўкидан турналар тизими учиб ўтди. Коваклларда ётган кукупишлар ҳам «куккукукку»лаб турфа қушлар галасини чорлади. Сурхон, Қашқа, Зарафшон, Фарғона, Хоразм воҳаларида қишлаб қолган лайлаклар насим эпкинларга тўш уриб, теварак-атрофга разм ташламоқда. Болакайлар ҳаво илиши билан кўчага чопқиллаб чиқиб, варрак учиришга шайландилар... Дилларни ҳавас-ла тўлдириб, юзларни севинч-ла қулдириб, қор остидан мўралаган бойчечагин қучоқлаб, Баҳор келди яна бизни сўроқлаб...

Қиш ёқасидан тутиб, тутоқиб, ўт-ўлану куртакларни уйғотиб, бодом гулида, бинафша лабида, ўнгирларда, кенгликларда Баҳор нафаси... Ям-яшил ғаллазорларда баҳор нафаси... Кўзидан уйқуси қочиб, даласига, яйловига кўксини очиб бораётган деҳқону чўпон ўйида — Баҳор нафаси... Дафъатан дурдек тўкилган ёмғир, бўртиб турган новда, гўдак тилидек чулдир-чулдир ирмоқ, ариқ-ариқча, офтобга интилган шашқалоқ чечак... ҳаммаси-ҳаммаси — Баҳор нафаси...

Ҳадемай, шоир ибораларининг оҳанги билан айтганда, салқин саҳарларда уйқудан туриб, булоқ сувларига юзини ювиб, мармар ҳаволар қўйнига чўмиб, зилол бўшлиқларга кенг қулоч қўйиб, Мустақиллик ишқи билан ёнган ўлкамизга Наврўзи айём ҳам кириб келгуси... Ана ўшанда мавлоно Муқимий лутфи билан:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоқлар...

дея байрам шодиёналарига ошиқамиз...

... Хуснга бой, кўзгуси ой, эй, она Юртим, Баҳорнинг илк куни, илк нафаси муборак бўлсин!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданияти пойтахтларидан бири, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси хорижий мамлакатлар сиёсий, маданий ва жамоатчилик доираларида, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ўртасида катта қизиқиш билан қарши олиниши баробарида чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг шарҳланмоқда.

Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси Надиа Кафафий Ўзбекистон раҳбарининг Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ислом цивилизацияси ривожига ўзбек халқи қўшган ҳиссанинг юксак эътирофидир, деб айтган фикрини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди.

Н.Кафафийнинг айтишича, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг бу қарорини мамнуният билан қабул қилган Миср ҳам худди шундай фикрда. Мазкур қарор муносабати билан Миср диний марказ бўлмиш «Аль-Азҳар» шайхи Муҳаммад Тантовий биринчилар қаторида Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига ўз табриги ва энг эзгу тилакларини йўллагани юқоридаги фикримизнинг далилидир, деди Миср Араб Республикасининг элчиси.

Кувайтнинг Ўзбекистондаги элчиси Одил Муҳаммад Ҳаётнинг фикр билдиришича, Тошкент ислом маданияти пойтахти сифатида танланиши асосли сабабларга эга. «Ўзбекистонда туриб, республика ҳукуматининг бобокалонлар меросини асраш, қайта тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилган улкан ишларининг гувоҳи бўлдим», деди Кувайт дипломатия ваколатхонасининг раҳбари.

Фаластиннинг Ўзбекистондаги Муваккат ишлар вакили Абдулла аль-Хеби ислом олами даҳолари, ёрқин тафаккур эгалари ва буюк алломалари айнан Ўзбекистон заминида туғилгани ҳамда улар ҳақиқий исломий ғояларнинг тарқалиши ва ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшгани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти билдирган фикрларга тўла қўшилишини қайд этди. Шу ўринда Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий, Нақшбандий ва бошқа кўплаб ислом дунёсининг буюк алломалари қолдирган меросни таъкидлаш керакки, улар бутун ислом оламида ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон Президентининг ана шундай буюк меросни қайта тиклаш ва уни ёш авлодлар учун авайлаб-асраш ишига қўшган улкан ҳиссасини ҳурмат билан қайд этишни истар эдим, деди фаластинлик дипломат.

Афғонистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Фарук Бараки Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти сифатида танлангани тўғрисидаги ISESCO қароридан фахрланганини баён этди.

Ишончим комилки, бу хушхабар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун мусулмон дунёсида кўтаринки руҳ билан қабул қилинди, деди афғонистонлик дипломат.

Эрон элчихонаси раҳбари муовини Ираж Элахийнинг фикр билдиришича, Ўзбекистон исломнинг кенг тарқалиши ва мусулмонлар ўртасида эътиқод мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этган ислом дунёсининг энг нуфузли давлатларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб танланиши мутлақо адолатли ва муносиб қарордир. Ўзбекистоннинг ислом маданий қадриятларини авайлаб-асраш бўйича олиб бораётган изчил сиёсати ҳар қанча эътибор ва юксак баҳога сазовор.

«Жаҳон» АА

СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар экан, келгусида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, биринчи галда, судларнинг амалдаги мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ устувор вазифа ва йўналишларни белгилаб берди.

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан суд-ҳуқуқ тизимида ана шу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

— Бугунги кунда халқаро ҳамжамият иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ҳамда жамиятни барқарор равнақ топтириш муаммоларини ҳал этиш борасида ўзаро мувозанатни таъминлаш учун, жумладан, ҳуқуқ ва ҳуқуқни қўллаш институтларини ривожлантириш орқали қулай шарт-шароитлар яратиш йўлларини изламоқда, — деди Б.Мустафоев. — Бунда, шак-шубҳасиз, суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён».

Конституциямизнинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Ушбу принципларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоялаш давлатнинг вазифасига киради. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш жамиятнинг жипслашуви ва мамлакатни барқарор ривожлантириш учун замин яратади.

Ўзбекистон юритаётган сиёсат инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Мамлакатимизда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш, мулкдор бўлиш, қариганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот, билим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ принцип ва нормаларига мувофиқ тан олинади ҳамда кафолатланади. Ҳар бир фуқаронинг қонун олдида тенглиги эътироф этилган, ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликлари суд томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланган. Юртимизда олий ҳуқуқий кучга эга Конституция устунлиги сўзсиз тан олинади.

2-бет

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг 2006 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди ва муҳокама этилди. Вилоят кенгаши раиси М.Исоқов ўз маърузасида вилоят партия ташкилотларида ўтган йили амалга оширилган партиявий-сиёсий ишлар хусусида сўзлар экан, партия билетларини алмаштириш, партия аъзолари сафини ўстириш, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, партия нашрларига обунанинг аҳволи масалаларига батафсил тўхталди. Маълум ютуқларга эришиш билан бирга жиддий камчиликлар мавжудлиги очиқ-ошкора айтилди.

ЯНГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган депутатлар халқ фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш бўйича сайловчилари, ЎзХДП электоратининг таклиф ва истакларини Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига киритмоқдалар. Тегишли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ўтган йил давомида ЎзХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналарига 1130 нафардан ортиқ фуқаро мурожаат қилган. Ариза ва шикоятларнинг қарийб 60 фоизи ижобий ҳал этилди. Уларнинг қолган қисми тегишли ташкилотларга ўрганиш учун юборилди. Мурожаат этувчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам берилди.

Пленумда Олий Мажлис Сенати аъзоси А.Мирсодиқов, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи раиси Д.Тошматов, ЎзХДП Олтиариқ туман кенгаши раиси Б.Раҳимов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленум ишида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари О.Равшанов сўзга чиқиб, партия ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили»даги вазифалари хусусида мулоҳазаларини билдирди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Алишер ИБОДИНОВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

27-28 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишни давом эттирдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида маъруза қилди.

2-бет

ҚАДРИЯТ



Бозор бу дунёни забтига олган,
Кимдир сийму-зарин ўртага солган.
Мен-чи, қани дейман у сопол косам,
Сопол кўзам қани, отамдан қолган?..

Абдулла ОРИПОВ,
2007 йил, 26 февраль

СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бўритош Мустафоевич, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашда айнан суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлиги қандай аҳамиятга эга?

— Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосида амалга оширилади. Конституцияга мувофиқ, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи ҳисобланади ва ўз ваколатини одил судлов орқали амалга оширади. Судлар уларга қонун томонидан юкланган вазифаларни фақат суд ҳокимияти мустақил ва эркин бўлган шароитда амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда суд ислоҳоти давом этмоқда. Давлат механизмида суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигининг қарор топиши ушбу ислоҳот амалдаги босқичининг асосий натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Бугун Ўзбекистонда суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг барча зарур хусусиятларига эга. У давлатда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ижтимоий қарама-қаршиликлардан ҳимоя қилишга қодир барқарорлаштирувчи куч ҳисобланади.

Ислоҳотлар жараёнида одил судловдан фойдаланиш даражасини кенгайтириш масаласи ижобий ечимини топди. Фуқаролар, юридик шахслар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини судда реал ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди.

Давлат механизмида суд ҳокимиятининг ролини ошириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари, ўз навбатида, судьялар мақомини мустаҳкамлашни тақозо этади. Қонун ҳужжатларида судьялар мустақиллиги кафолатлари белгиланган. Судьялар мустақиллиги аввало уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод этиш орқали таъминланади. Бундан ташқари, у судьяларнинг дахлсизлиги, одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил, қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши каби мезонларни кўзда тутади. Бу мезонлар, шунингдек, судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик, судьяни давлат ҳисобидан унинг мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминлаш кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Бунда давлат идоралари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ талаб ва фармойишларини сўзсиз бажариши шарт. Судьяга нисбатан ҳурматсизлик, шунингдек, уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьялар депутат бўлиш, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Шу муносабат билан қайд этишни истардимки, парламентнинг қуйи — турли сиёсий партиялар фракциялари фаолият юритаётган Қонунчилик палатаси судьяларни тайинлашда иштирок этмайди. Бу — судьялар ўз вазифасига сиёсий ёхуд партиявий қарашлари бўйича тайинланмаслигининг муҳим кафолатидир.

«Судлар тўғрисида»ги қонун ҳаққоний ва мустақил одил судлов учун ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини кафолатловчи ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган судьялар мустақиллиги принципини амалга ошириш борасида демократик институтлар томонидан тўпланган деярли барча ижобий тажрибани ўзида мужассам этган. Бу борада судьялар мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган чоралар судьяларга алоҳида имтиёзлар ва енгиллик бериш учун эмас, балки фуқаролар ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида қабул қилинганига эътибор қаратиш жоиздир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Биз бу конституциявий ҳуқуқимиздан фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва судлов ишларини такомиллаштириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар бўйича қонун лойиҳаларини мамлакат парламенти — Олий Мажлисга тақдим этиш орқали самарали фойдаланишга интиляпмиз.

Ўзбекистонда судьялар ҳамжамияти органлари, яъни судьялар манфаатларини ифода этувчи тузилмалар ишлаб турибди. Уларнинг таъсис этилиши суд ислоҳоти ютуқларидан бирига айланди. Судьялар ҳамжамиятини мамлакат суд тизимига кирадиган барча даражадаги судлар судьялари ташкил этади. Ўзбекистон судьялар ассоциацияси ва судьяларнинг малака ҳайъати судьялар ҳамжамияти органлари ҳисобланади.

Судьялар ҳамжамияти органлари суд ҳокимияти обрўсини мустаҳкамлаш ва оширишга хизмат қилади. Улар судьяларнинг малака ҳайъати номидан судьяларни қонун ва суд одоб-ахлоқ кодекси қоидаларини бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек, судьялик ваколатини муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ҳуқуқнинг ролини ошириш суд ҳокимиятини амалга ошириш ваколатига эга судьялар нафақат суд одоб-ахлоқ талабларига жавоб беришини, балки олий маълумотли малакали ҳуқуқшунослар бўлишини ҳам талаб этади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзларининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик халол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди».

— Одил судлов сифати, самарадорлиги каби муҳим мезонларнинг амалда қанчалик татбиқ этилаётгани, судларнинг бу борадаги масъулияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Одил судлов сифати конституциявий масала ҳисобланади. Бу эса судларга олдиҳида жавобгарлик юклайди. Жамиятнинг конституциявий барқарорлиги судларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Бугун кўплаб ҳуқуқий қоидалар ва принциплар юзага келаётган глобал тақдид ҳамда хавфлар сабабли қайта кўриб чиқилаётган ва қайта баҳоланаётган бир пайтда судлар фуқаролик, ижтимоий-сиёсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишни кучайтириши, жамиятни ҳуқуқий соҳа доирасида янада ривожлантиришни таъминлаши даркор.

Суд ҳокимияти жамиятда судларга, хусусан, судьяларга бўлган ишонч юқори бўлгандагина ўзининг миссиясини кутилганидек бажара олади. Суд корпусига ишонмаслик, бу ишончсизлик аниқ ёки тахминий сабабларга кўра юзага келишидан қатъи назар, одил судлов асосларига путур етказади ва ушбу камчилик бартараф этилмас экан, одил судловни самарали амалга ошириб бўлмайди. Шу маънода, мамлакатимизда судларга ишончни мустаҳкамлаш учун, бир томондан, уларнинг том маънода мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, иккинчи томондан, соҳа ходимларининг масъулиятини кучайтириш борасида босқичма-босқич янгиланишлар амалда изчил татбиқ этилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Одил судлов самарадорлигини ошириш — мамлакатни ривожлантириш ва ижтимоий кескинликни бартараф этишнинг асосий шартларидандир. Самарали суд тизимисиз давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги туб ўзгаришлар натижалари салмоқсиз бўлиб қолаверади. Шунинг учун ушбу йўналишда ҳам муайян ижобий ўзгаришларни рўёбга чиқариш масаласи доимий эътиборимизда турибди.

Ҳуқуқ, эркинлик ва мустақил суд — бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Бу бежиз эмас. Суд ҳуқуқ тўғрисидаги баҳсларни ҳал қилишда охирги босқич ҳисобланади. Суд жараёнида процедураларнинг сўзсиз устуворлиги, одил судловнинг расмийлиги одил судлов холислигининг муҳим кафолати саналади. Суд томонлар тенглигини кафолатлайди. Юриспруденциянинг моҳияти ҳам шунда. Ҳуқуқшуносларнинг профессионал тушунчаси ҳам шунга таянади. Таассуфки, айнан шу муҳим хусусият баъзан бизнинг одил судловга етишмаётганлигини ҳам тан олишга тўғри келади.

Шу сабабли процессуал қонунчиликнинг айрим камчиликлари ҳақида ҳам тўхталмоқчимиз. Процессуал кодексларимизда суд процедуралари батафсилроқ ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, айнан процессуал мукаммаллик, процессуал нормаларнинг аниқлиги, батафсиллиги ва пухталиги, талабларнинг тушунарлилиги, қоидаларнинг қатъийлиги суд ҳокимияти жараёни ҳамда холислигида томонлар тенглиги кафолати бўлиб хизмат қилади.

Суд ислоҳотининг амалдаги босқичи суд вакиллари зиммасига юклаган суд тизими самарадорлигини, мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ устувор вазифалар ва йўналишлар кўлами, кўриб турганингиздек, жуда қамровдор. Бугунги кунда тизимнинг мустақиллик йилларида орттирган жами ижобий тажрибаси ва салоҳияти, мавжуд ресурслари ана шу муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал қилишга сафарбар этилган.

Мамлакатимизда шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш, шунингдек, жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш борасида кенг кўламли, изчил, мураккаб, айни чоғда, илғор ва демократик янгиланишлар жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2005 йил 1 ва 8 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари ҳуқуқий дастурилама бўлаётир.

Бу ислоҳотлар — ҳозирги замоннинг мантиқий талаби, таъбир жоиз бўлса, «ислоҳот — инсон учун!» деган ҳаётбахш шиоримиз амалга татбиқ этилаётганининг ёрқин ифодасидир. Давлатимиз раҳбарининг номи тилга олинган ҳар иккала фармони наинки юртимиз жамоатчилиги томонидан, балки жаҳон миқёсида мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, яшаш ҳуқуқи, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этилгани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш ва одил судловни такомиллаштириш масалаларига комплекс ёндашув давлат ва жамият манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз барқарор тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

ЎзА мухбири
Ғулом МИРЗО
суҳбатлашди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур ҳужжатларнинг муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар Президент Ислом Каримов томонидан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларини қабул қилиш сиёсий партиялар самарали фаолиятининг, Ўзбекистон кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одимлашининг ҳуқуқий базасини анча кенгайтириш имконини беришини алоҳида таъкидладилар. Мазкур қонунларнинг қоидаларини рўёбга чиқариш демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришига, мамлакатни яқин ҳамда узоқ истиқболда ислоҳ этиш ва модернизация қилишга жиддий таъсир кўрсатади.

Қонунчилик палатаси депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонунларни қабул қилди, қонунлар маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида уни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва қўшимчалар киритдилар. Баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Ҳ.Назаров «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни янада яхшилаш, халқ фаровонлигини ошириш учун ушбу ҳужжатни қабул қилиш муҳим эканлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини батафсил кўриб чиқдилар. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Козлов томонидан тақдим этилган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ҳамда муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси У.Исмоилов тақдим этди. Муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222–II-сонли «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Н.Аҳмаджонов тақдим этди. Депутатлар муҳокама чоғида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(ЎзА)

❖ **ЎзХДП ҳаёти**

КУН ТАРТИБИДА МАФКУРА МАСАЛАСИ

Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашида ўтказилган семинар ўқув «Миллий ғоя ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари — Ўзбекистон ХДП мафкурасининг асоси» мавзуига бағишланди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши раиси Саденбой Нурмановнинг мавзу бўйича маърузасини тингладилар. Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДП V қурултойи ва Марказий Кенгашнинг кейинги пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган асосий вазифаларга тўхталдилар. Улар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик, аҳоли фаровонлигини таъминлаш миллий қадриятларимизни авайлаб асраш ва келажак авлодга етказишда маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, семинарда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари ташаббускорлик кўрсатиб, партия электоратига амалий ёрдам бериши зарурлиги ҳақида қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундай семинар ўқувлар ХДП Амударё, Мўйноқ, Тўрткўл, Тахтакўпир туман кенгашларида ҳам бўлиб ўтди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

❖ **ЎзХДП вилоят кенгашларида**

ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ижроқўми сайёр йиғилиши Пешку туманида ўтказилди.

Мазкур мажлис кун тартибидан «ЎзХДП Пешку туман ташкилотининг партия Марказий ва вилоят кенгашлари ҳамда ўз қарорлари ижросини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги масала ўрин олди.

— Туман партия кенгаши 64 та бошланғич ташкилот атрофига 1413 нафар аъзони бирлаштирган, — деди маърузачи — вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов. — Ўтган йил партия кенгаши ЎзХДП дастурий ғоялари, мақсад, вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиб қолмай, балки партия тизимидаги қатор муҳим қарорлар назорати ва ижросини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга оширган. Вилоят партия кенгашидан юборилган пленум ва ижроқўм қарорларининг аксариятининг ижроси таъминланган. Лекин бу — ҳамма ишлар жойида дегани эмас, албатта. Қабул қилинган қарорлар бошланғич ташкилотларга ўз вақтида етказилмаган. Бундан ташқари, ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан 2005 йилда тасдиқланган норматив услубий ҳужжатларда белгиланган муддатлар эътибордан четда қолган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бундай қусурлар туман партия кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятида ҳам кўзга ташланди. Хусусан, айнан шу масала ўрганилган кунда қабулхонада бирорта ҳам масъулни учратмадик.

Шунингдек, маърузадан маълум бўлдики, туман партия кенгаши фаолиятида ҳали сусткашлик, мўртлик мавжуд. Аҳоли ўртасидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси кўринмаяпти. Партия сафига ёшларни жалб қилиш қониқарли эмас. Халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган 7 нафар депутат ҳамда депутатлик гуруҳида фаоллик етишмаяпти. Иш режасида эса аниқлик йўқ. «Фаол аёллар», ҳамда «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаолияти тўлақонли деб бўлмайди.

— Вилоятда иккинчи марта ўтказилаётган бу сайёр йиғилишдан кўп нарсани ўргандик, — деди Бухоро шаҳар партия кенгаши раиси Робия Козимова. — Сабаби жойлардаги партия ташкилотларида етарлича имконият бўлатуриб, муаммолар ҳам кўп экан.

— Бугунги йиғилиш руҳидан келиб чиқиб шуни таъкидламоқчиманки, — деди туман «Нуроний» жамғармаси раиси, ХДП фаоли Жаҳон Жамолов, — ёшларга суянишимиз, уларни сафимизга кўпроқ жалб этишимиз керак. Бунга шунчаки эришиб бўлмайди. Партия кенгаши кўппартиявийлик шароитида ўз фаолиятида туб бурилиш ясаши зарур.

Туман партия кенгаши раиси Эркин Холов эса камчиликларни бартараф этиш учун партия фаоллари барча чораларни кўришини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

❖ **Табиат ва инсон**

ОЛАМНИ ОДАМ АСРАЙДИ

ЁКИ ИНСОНИЯТ ОЛДИДА КЎНДАЛАНГ БЎЛАЁТГАН ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН АМАЛИЙ ИШЛАР ХУСУСИДА

Сайёрамизда ҳаво ҳарорати кўтарилиб, глобал исиш жараёни давом этяпти. Мутахассисларнинг илмий кузатишларига қараганда, жорий юз йилликнинг иккинчи ярмида ҳарорат яна +4 даражага ошиши, тахмин қилиняпти. Маълумотларга қараганда, дунё океани сатҳи кўтарилиб боряпти, абадий музликлар эриб, улкан айсберглар океанларда сузиб юрибди. Аҳвол шу йўсинда давом этса, аср охирига бориб, ер шарининг бир қисмида қаттиқ қурғоқчилик, иккинчисида сув тошқинлари, табиий офатлар юз бериши фараз қилинмоқда.

Бундай салбий ўзгаришларнинг бош сабабчиси инсоннинг табиатга етказган антропоген таъсири оқибатидир. Олимларнинг қайд этишларича, экологик муҳитнинг бузилишида ёқилғи-энергетика мажмуаларининг таъсири катта экан.

Хўш, мамлакатимизда бу борада аҳвол қандай? Табиатни асраш бўйича нима ишлар қилинмоқда?

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Борий АЛИХАНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Жаҳон жамоатчилиги бугунги кунда экологик муаммоларга алоҳида эътибор қаратяпти. Шу йил январь ойининг охирида Францияда бўлиб ўтган дунё эколог олимлари, мутахассисларининг халқаро учрашувида ер юзи ҳароратининг кўтарилиши, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш масаласи муҳокама этилди. Айтинг-чи, ҳудудимизда қандай қилиб ҳаво бузилишининг олдини олиш мумкин?

— Маълумки, анъанавий ёқилғи-энергетика мажмуаси атроф-муҳит, ҳавони ифлослантиради. Бунинг олдини олиш учун биз ҳам анъанавий энергия манбалари билан бир қаторда табиатга безарар қайта тикланувчи, муқобил энергия — қуёш нури, шамол, биомасса манбаларидан фойдаланишга ўтишимиз керак.

2

Кўплаб мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатадики, бир томондан, бирламчи энергия ташувчилар нархининг (қидирув, қазиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш) ортиши, бошқа томондан эса, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш технологияларининг ривожланиши муносабати билан бу энергия манбаи рақобатдош бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунда жаҳонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг қарийб 2 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўғри келади. 2012 йилга келиб Европа Иттифоқи мамлакатларида бу кўрсаткич 8 фоизни, 2050 йилга келиб эса 40 фоизни ташкил этилиши кўзланмоқда. Бизнинг минтақамизда эса ҳозирги вақтда қуёш энергиясини ўзлаштириш жуда ҳам истиқболлидир. Айниқса, қуёш энергиясини ўзлаштириш қулай. Қолаверса, қуёш энергияси ҳозирги кунда энергияга бўлган эҳтиёжнинг анчагина қисмини қоплаши мумкин. Унинг яна бир афзаллик томони шундаки, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш қурилмалари марказлашган энергия манбалари (электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув) таъминотидан узоқда жойлашган, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмаган, бориш қийин (чўл, саҳро, тоғ) ҳудудида яшовчи ёки вақтинча, мавсумий яшовчи аҳолининг электр энергияси, иссиқ сув, ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини бемалол қондиради. Қолаверса, анъанавий энергия манбалари тежалади, ижтимоий ва экологик афзаллиги ҳам бор.

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш бўйича қурилмаларнинг кўпгина тажриба нусхалари ишлаб турибди.

— Борий Ботирович, аммо Жаҳон ресурслари институтининг маълумотларига қараганда, минтақамизда ҳавонинг ифлосланиш даражаси, маълум бир кимёвий бирикмалар бўйича ҳали белгиланган санитар-гигиеник меъёрлардан юқори. Сабаб нима?

— Марказий Осиё марказлашган энергия тизими қувватларининг 50 фоизи республикамизга тўғри келади, яъни умумий

3

энергия қувватимиз 11000 МВтдан ортиқроқ, энергия ресурсларининг асоси углеводородлар: табиий газ ва нефтдан иборат. Жумладан, ҳаво ифлосланишининг 80 фоиздан кўпроғи энергетика соҳасига тўғри келади. Шунинг учун республикамизда эса транспорт ва экологик тоза, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, республикамизнинг ялпи гидроэнергетика ресурслари катта эмас — 9,2 миллион тонна нефть эквивалентига тенг деб баҳоланади. Аммо кичик гидроэнергетика ресурсларини ўзлаштириш борасида ҳали муаммолар бор.

Аввало ҳудудимиздаги кичик сув оқимларининг топографик, гидрологик, геологик хусусиятлари, иқтисодий кўрсаткичлари кам ўрганилган. Яна бир томони, йирик дарёларда катта қувватли гидроэлектростанцияларни ўзлаштиришга ўтиб, амалда эса кичик сув оқимлари ва кичик ГЭСлар бўйича тадқиқот, лойиҳа ишлари батамом тўхтаб қолган. Қурилмаларни ишлаб чиқариш саноатининг эса қуввати етмайди...

— Таклифингиз?

— Аввало, янги авлод кичик ГЭСларини яратиш учун фойдаланиб келинаётган тажрибаларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, гидроэнергия ресурслари самарадорлигини баҳолашда янгича нуқтаи назарлар зарур.

Бир мисол. Тез оқадиган жилғалар, ариқлар, сой бўйида яшовчи одамлар, шу манбалар уларнинг уйини электр билан таъминлаши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундай жойларда энергияни жамловчи микро ГЭСдан фойдаланиш орқали кунига 4000-5000 Ватт энергия олиш мумкин. Қурилманинг ўлчамларини 60 сантиметр атрофида ўрнатиш жуда қулай. Бундай қурилмаларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик жиҳатларига эътибор берадиган бўлсак, уларни тоғ ва тоғолди минтақаларида яшовчи аҳоли учун қанчалар қулай эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

4

Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир.

Ислом КАРИМОВ

БМТ ТАРКИБИДА 15 ЙИЛ

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛГАНИГА 15 ЙИЛ ТЎЛАДИ

Дастлаб, БМТ қандай ташкилот, у олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўйган, деган саволларга ойдинлик киритсак.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилот 51 мамлакат томонидан 1945 йил тузилган бўлиб, асосий мақсади халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, дунёда тинчликни сақлаш, давлатлар ўртасидаги низоларни тинчлик йўли билан бартараф этиш ва урушнинг олдини олишдан иборатдир.

БМТдан олдин ҳам халқаро ҳамжамият тузишга уринишлар бўлган. Масалан, 1919 йили 32 та давлат томонидан Миллатлар иттифоқи (МТ) деб номланган ташкилот тузилган эди. Афсуски, Миллатлар иттифоқи 1939 йилда бошланган иккинчи жаҳон урушининг олдини ололмади. Натижада низомида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширолмаган МТ ўша йили тарқаб кетди.

БМТ ташкил топганидан буён аъзо давлатлар сони 51 тадан 191 тага етди. БМТ Бош Ассамблеясининг ҳар йили сентябрь ойи учинчи ҳафтасининг сешанба куни очиладиган навбатдаги сессияси кун тартибига дунёдаги икки юзга яқин муҳим, долзарб масалалар киритилади ва аъзо давлатлар иштирокида бу масалалар кўриб чиқилади ҳамда кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилинади.

Хўш, мамлакатимиз БМТга аъзо бўлишидан нима манфаат эди, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиш билан бирга миллий хавфсизлигимизни таъминлашнинг ишончли таянчига эга бўлди. Унинг тинчлиги ва хавфсизлигига қарши бирон куч таҳдид солса, у БМТга мурожаат қилишга, унинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашини олишга ҳақлидир.

Қолаверса, республикамизнинг бу нуфузли ташкилотдаги иштироки фақат мамлакатдагина эмас, балки Марказий Осиёда ҳам тинчлик ва барқарорликни сақлаш гаровидир.

БМТга аъзо бўлганидан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг бу халқаро ташкилот билан алоқалари тобора кенг тус олиб бормоқда. Алоқалар ривожида айниқса, 1993 йили мамлакатимизда иш бошлаган БМТ ваколатхонасининг аҳамияти каттадир. Ваколатхона БМТнинг тараққиёт дастури, қочоқлар ишлари бўйича олий комиссар бошқармаси, болалар фонди, наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, аҳолишунослик фонди каби кўплаб ихтисослашган ташкилотларни ўз таркибига бирлаштирди ва улар фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда.

БМТ билан ҳамкорлик тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ишонч асосига қурилган. Бундай ҳамкорлик иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, маданиятни тиклаш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олмоқда.

Республикамиз БМТ билан ҳамкорликни ва ўзаро муносабатларни тобора чуқурлаштириш ташаббускори бўлиши билан бирга, бу халқаро ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган қудратли ташкилотга айланиши тарафдоридир. Бунинг учун БМТ ўз тузилмаларини, ўзининг раҳбарлик идораларини ва ихтисослашган ташкилотлари ишини тубдан қайта қуриш ғоясини изчиллик билан амалга ошириши лозим. Президентимиз БМТ фаолиятини ҳозирги давр талаблари асосида қайта қуриш ишларини қўллаб-қувватлаб, бу иш «... миллий, минтақавий ва жаҳоншумул муаммоларни ҳал қилишдаги дунё давлатлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштиришда уларнинг аҳамиятини кучайтиришга имоним комил» деган фикрни билдирган эди.

Зеро, кейинги ўн йиллик даврида БМТнинг энг нуфузли органи бўлган Хавфсизлик Кенгашида халқаро ҳуқуқ нормаларини бузаётган давлатларга нисбатан қўлланиладиган санкциялар айрим ривожланган давлатлар томонидан бузилаётир.

Шунинг учун ҳозирги пайтда БМТга аъзо давлатлар БМТ тузилишини қайта кўриб чиқиш, Бош Ассамблея қабул қилаётган қарорларнинг мажбурий характерга эга бўлиши, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзо давлатлари сонини ошириш, вето ҳуқуқини йўқ қилиб, қарорларни кўпчилик овоз билан қабул қилиш таклифи билан чиқмоқдалар.

Асадулла МАМАТҚУЛОВ,
ЎзМУ доценти

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади

ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА 80 ЎРИНЛИ «БУДЕМЕКС» МЕҲМОНХОНАСИ *(ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари) қурилиши.*

Бошланғич нархи — 481 952 820 сўм.

Муддати — 75 кун.

Буюртмачи *— вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.*

Манзил — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- *етарли касбий ва техникавий малакага;*
- *иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;*
- *молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;*
- *шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;*
- *юридик ҳуқуққа эга, шунингдек ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.*

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси *— Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.*

Тел/факс: 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

❖ **Тафсилот**

АҚШ — ЭРОН:

НАТО НИМАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА?

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида берилаётган хабарларга қараганда, бугунги кунда АҚШнинг Эронга нисбатан юритаётган сиёсати тобора мураккаблашиб бормоқда. АҚШнинг вице-президенти Дик Чейнининг айтишича, Америка Эроннинг ядро дастури бўйича фаолиятини тўхтатиш учун «қўлланилиши мумкин бўлган таъсир чораларининг ҳар қандай вариантлари»ни кўриб чиқмоқда. Бироқ расмий Теҳрон бундан чўчиётгани йўқ. «Reuters» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Эроннинг ташқи ишлар вазири ўринбосари Манучер Муҳаммади Исфаҳонда бўлиб ўтган конференцияда чиқиш қилиб, Эрон ўзининг ядро дастурини ривожлантириш учун ҳар қандай вазиятга тайёрлигини, энди бу ишни БМТ чоралари ҳам тўхтата олмаслигини айтди. Сўнг унинг бу фикрини президент Маҳмуд Аҳмадинежат ҳам тасдиқлаганлиги ҳақида «ISNA» ахборот маҳкамаси хабар тарқатди. Жумладан, унинг Теҳрондаги чиқишида «Эрон ядро ёнилғисини яратиш бўйича технологияга эга бўлди, энди тормози йўқ ва ортга юрмайдиган поезд сингари олдинга ҳаракатланади» деб айтган сўзларини келтирди. Бунга жавобан АҚШ давлат котиби Кондализа Райснинг «Fox» телекомпанияси эфиридаги чиқишида айтган «уларга ортга юргизадиган ричаг керак эмас, балки «стоп-кран» зарур» деган пичинги-да ОАВ эътиборидан четда қолмади.

Экспертларнинг фикрича, «стоп-кран» деганда АҚШ ҳарбий зарбани назарда тутаётган бўлиши мумкин экан. Негаки, қанчалик махфий сақланмасин, Пентагоннинг ўта «сир»ли маълумотлари ташқарига чиқиб кетмоқдаки, буни оммавий ахборот воситаларида берилаётган хабарлар тасдиқлаб турибди. Масалан, Пентагон Эроннинг энг «нозик» нуқталарини нишонга тўғрилаб, рўйхат тузиб қўйганлиги ҳақидаги ахборотлар босилганига анча бўлди.

Энди эса ахборот агентликлари АҚШнинг уруш томон яна бир қадам ташлагани ҳақида хабарлар тарқатишди. Жумладан, «CNN-Turk» телекомпанияси маълум қилишича, душанба куни НАТО Туркияга илтимоснома билан мурожаат қилиб, агар Эронга қарши ҳарбий операция бошланадиган бўлса, Туркия ҳаво йўлагидан фойдаланиб туришга ижозат сўраган. Шунингдек, Туркиянинг Эрон билан қуруқликдаги чегарасини очиб туришини илтимос қилган. Маълумотларга қараганда, ҳозирча Туркия бунга жавоб қайтаргани йўқ. ИТАР-ТАСС кўпгина экспертларнинг фикрларига таяниб, хабар тарқатишича, Туркия НАТОнинг бу илтимосларини рад этиши мумкин экан. Негаки, кейинги пайтларда Туркия билан Эроннинг алоқалари муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

Дарвоқе, 2003 йили АҚШ Ироққа қарши олиб борган ҳарбий операцияларида Туркия ҳам иштирок этишини бир неча бор сўраган, бироқ Туркия ҳукумати буни рад этган эди.

Британиянинг «Daily Telegraph» нашри шундай хабар тарқатдики, НАТО Туркияга мурожаат қилишидан бир кун аввал Исроил АҚШга сўровнома жўнатиб, Эроннинг ядро объектларига зарба бериш учун Ироқ ҳаво йўлагидан фойдаланишга рухсат сўраган. Буни Тел-Авив жамоатчилигининг ўзи «соғлом фикрдан йироқ» мурожаат дея баҳолади.

Қисқаси, жаҳон жамоатчилиги Эроннинг ядро муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори. Шунинг учун ҳам куни кеча Лондонда бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси — Россия, АҚШ, Хитой, Буюк Британия ва Франция вакиллари ҳамда Германия делегацияси учрашувида фақат шу мавзу муҳокама этилди. АҚШ давлат департаменти бу иттифоқчилардан навбатдаги қатъий санкция тезроқ қабул қилинишини талаб этди.

Маълумотларга қараганда, бу санкция матни бугун тайёр бўлади. Унда Эрон билан савдо-сотиқни чеклаш ва қуролярог савдосини тўхтатиш масаласига алоҳида урғу берилади.

Нима бўлганда ҳам жаҳон жамоатчилиги бу муаммонинг дипломатик йўллар билан ҳал этилиши тарафдори.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Сянган халқаро аэропортида хавфсизлик масалалари Халқаро фуқаро авиацияси ассоциацияси талабларига мувофиқ равишда кучайтирилди.

«Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, янги қоидага кўра, эндиликда йўловчилар суюқликларни ўзларининг юклари орасида эмас, балки 100 миллилитрлик ҳажмдан катта бўлмаган идишда, ялтироқ «пакет»га ўралган ҳолда алоҳида олиб юришлари шарт. Улар алоҳида назоратдан ўтказилади.

Фақат рецепти бор доридармонлар ва чақалоқлар овқатлари бундан мустасно.

Янги қоида шу йил 21 мартидан эътиборан кучга киради. Бундай тартиб Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда аввалроқ қабул қилинган.

Дарвоқе, аэропорт ичида жойлашган дўконлардан сотиб олинган ичимликлар текширувдан ўтказилмайди.

ЯНГИ ҲУКУМАТ РЎЙХАТИ

Фаластин ҳукумати раҳбари Исмоил Хония шу ҳафта охирида Фаластин миллий маъмуриятининг раиси Маҳмуд Аббосга коалиция ҳукматининг янги таркиби рўйхатини тақдим этади.

Бу ҳақда ФАТХ ҳаракати матбуот котиби Абдул Ҳаким Ауад маълум қилди.

Ҳозирча ФАТХ ва ХАМАС вакиллари ички ишлар вазири номзоди борасида келиша олмаяптилар.

МАКТАБЛАР ВАҚТИНЧА ЁПИЛДИ

Ўткир респиратор юқумли касалликлар ва грипп эпидемияси қайд этилганлиги муносабати билан Россия ҳудудидаги айрим мактаблар ва болалар боғчаларида карантин жорий этилиб, вақтинча ёпилмоқда.

Шу кунларда Кемерово, Тюмен, Оренбург, Челябинск ва Свердловск вилоятларидаги мактабларда дарслар тўхтатилган.

Масалан, «Интерфакс» ахборот агентлиги маълум қилишича, Кемеровода 28 февралдан 5 мартгача мактаблар ёпилди. 27 февралгача 8 та мактаб ёпилган эди. Кемерово шаҳар маъмурияти маълумотларига кўра, аҳоли орасида ўткир респиратор юқумли касалликлар ва грипп билан хасталанганлар 26 фоизни ташкил этмоқда.

«Росбалт» ахборот агентлиги хабар беришича, Тюменда 94 та мактабда шу ҳафта охиригача дарслар ўтилмайди. Ўтган ҳафтанинг ўзида 6 мингга яқин аҳолига касаллик юққан. Уларнинг ҳар учтадан 2 таси болалардир.

«Regnum» агентлиги хабарига кўра эса Челябинскда шу кунларда 46 мингга яқин одам ўткир респиратор юқумли касалликлар, 10 мингга яқини грипп билан оғриётганлиги қайд этилган.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 9 февралдаги 11-0706/941-сонли иш ажримига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уйда жойлашган «Болалар таомлари-холдинг» ХК очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан банкротлик таомили қўлланилиб, кузатув жорий қилинган ва жамият Муваққат бошқарувчиси этиб Босит Мансурович Усмонов тайинланган. Ишни суд муҳокамасида кўриб чиқиш 2007 йил 26 март соат 10.00 га белгиланган.

Шу муносабат билан жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2007 йил 20 март соат 10.00 да жамият биносида бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишга таклиф этиласиз.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй.
Маълумотлар учун телефонлар: (8-270) 2-94-08, 2-62-30, 344-22-69, 332-02-74.

Масалан, бундай минтақаларга электр тармоқларини ўтказиш бугунги кунда маълум иқтисодий ва техникавий муаммоларга эга. Бундан ташқари, ушбу қурилмалардан фойдаланиш аҳоли томонидан ўтин учун дарахтлар кесилишига барҳам беради. Бу эса, ўз навбатида, айниқса тоғли ва тоғолди минтақаларида эррозияни кучайишининг олдини олади.

— Қайта тикланувчи энергия, айтайлик, қуёш энергияси анъанавий энергияга нисбатан атроф-муҳит, ҳавони қанча ифлослантиради? Ёки у умуман ҳавога «чиқит» чиқармайдими?

— Ўзбекистоннинг иқлими ва географик хусусиятлари қуёш энергиясидан фойдаланиш учун жуда қўл келади. Ҳудудимизга бир йилда тушувчи қуёш энергияси абсолют қийматига кўра, мамлакатнинг ўлчанган углеводород хомашёсидан анча кўп. Аммо ҳозирги кунда қуёш энергиясининг бор-йўғи 0,3 фоизи ўзлаштириляпти, холос.

Ёнилғи энергетикасининг атроф-муҳит ва атмосферани ифлослантирувчи олтингугурт, азот, углерод оксидлари ҳаводаги сув билан ўзаро бирикиб, яна қуруқликка «кислотали ёмғир» бўлиб ёғяпти, ўсимлик, тупроқ, сувга салбий таъсир этувчи кислоталар эритмасига айланяпти, озиқ-овқат орқали инсон организмига тушяпти, одамлар соғлиғига зиён етказмоқда. Қуёш энергиясидан фойдаланиш эса экологик тоза, табиатга, ўсимликлар, ҳайвонот олами, одамлар соғлиғига зарар етказмайди, ҳавога «чиқит» чиқармайди.

— Айтинг-чи, бу борада амалий ишлар қилиняптими?

— Республикамизда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. 1996-2002 йилларда Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри аҳолисига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича 2 та лойиҳа амалга оширилди. «Сувсоз» мавзесидаги ўнлаб кўп қаватли уйларга ва бошқа бинолар томларига қуёш энергия-

сида сув иситувчи, умумий юзаси 822 м² бўлган 235 та панел ўрнатилди. Бундай қуёш қурилмаларидан юзлаб (умумий юзаси 50 минг м³дан кўп) ўрнатилган. Улар бир йилда 260-320 кун ишлайди. Бундай қурилмалар чекка қишлоқларда ўрнатилса, аҳоли томонидан ўтин учун дарахтлар кесилишига барҳам берилади.

Ўзбекистонда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича қатор лойиҳалар бажарилди. Масалан, қўмитамиз БМТнинг тараққиёт Дастури билан «Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолиси учун тоза энергия» қўшма лойиҳасини амалга оширди. Марказий электр тармоғига уланмаган чекка овуллардаги фермер хўжаликларини автоном қуёш фото-электр тизим (ФЭТ)лари билан таъминланди.

2006 йилда Сурхондарё вилоятидаги «Табиат» илмий-ишлаб чиқариш тажриба Марказига 100 Вт қувватли қуёш фотоэлектр тизими, 140 литр иссиқ сув берувчи қуёш коллектори ўрнатилди. Худди шундай қурилмалар Айдар — Арнасой ҳудудида ҳам ишга туширилди. Натижада электр токи ҳосил қилиш учун бензин генераторларига, сув иситиш учун ўтин ёқишга ҳожат қолмади.

— Фото-электр тизимларининг иқтисодий тежами қандай бўлди?

— Оддий мисол. Тахтакўпир туманидаги «Мулк» ширкат хўжалигига 36 та маиший, 1 та қудуқдан сув тортиш, Қораўзак туманидаги Қўйбой посёлкасида 9 та қудуқдан сув тортиш ФЭТи ўрнатилди. Бу аҳоли пунктларига электр линияси тортиш учун 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлашга тўғри келарди. Ваҳоланки, лойиҳа бўйича 46 та ФЭТни ўрнатиш 55 миллион сўмга тушди. Иқтисодий тежамини ўзингиз чақинг! Қуёш қурилмалари, атроф-муҳит, ҳавони булғамайди. Ваҳоланки, йилига 35 та ФЭТ табиатга, ҳавога 88,2 тонна «заҳар» ташланишидан сақлайди.

Ёки 10 та сув кўтаргич ФЭТ бир мавсумда (250 кунда) 27 тонна бензинни иқтисод қилади. Тасаввур қилинг-а, шунча ёнилғи ёнганда 16,186 кг. углерод оксиди, 2,698 кг. углеводородлар, 1,079 кг. азот оксиди, альдегидлар атроф-муҳитга «заҳар»ли чиқит» чиқарарди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Бу Қарорнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигига қисқача тўхталиб ўтсам.

Республиканинг атмосфера ҳавосини ифлослантиришда транспорт воситаларининг ташламалари асосий манба бўлиб қолмоқда. 2004 йилда бу ташламалар миқдори умумий ифлослантирувчи модда ташламаларининг 67%ини ташкил этди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарларидаги атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндиларининг 80 %и транспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади.

1996 йилдан 2001 йилгача бўлган давр ичида ифлослантирувчи модда ташламаларининг 1,2 марта ортиши кузатилган, бу шахсий автомобиль транспорти сонининг ўсиши билан боғлиқ бўлган. 2001 йилдан бошлаб, автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилиниши, янги кўприклар қурилиши ва бошқа чора-тадбирлар натижасида автотранспортдан ифлослантирувчи модда ташламаларининг ҳар йили ўртача 3-5% га пасайиши кузатилмоқда. Бунда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда даврий ўтказилиб турилувчи «Тоза ҳаво» операциялари ҳам ўз натижаларини бермоқда.

— Албатта, бу яхши ғоя, лекин водород олиш сарф-харажатлари юқори деган фикрлар бор-ку?

— Замонавий энергетика ва транспортнинг ҳозирги экстенсив ривожи инсониятни кенг кўламли экологик таназзулга олиб келиши мумкин. Қазиб олинувчи ёқилғи захираларининг кескин қисқариб бориши саноати ривожланган мамлакатларни янада хавфли бўлган атом энергия қурилмаларидан фойдаланишга ундайди. Радиоактив чиқиндиларни зарарсизлантириш муаммоси кучаяди. Буни ҳисобга олган олим ва мутахассислар водород олиш технологиясини соддалаштириш ва уни арзонлаштириш устида мунтазам изланишлар олиб бормоқда. Бу ёнилғи турининг афзалликлари унинг нисбатан экологик тозалиги, мавжуд двигателларда уларни кам ўзгартириш билан ишлатиш, юқори калориялилиги, узоқ вақт сақлаш, мавжуд транспорт тармоғида ташиш, унинг заҳарсизлиги ва мавжуд газ қуйиш станцияларида ишлатилиши мумкинлиги ва ҳ.к.лардадир. Унинг таннархи масаласини ижобий ҳал этиш бутун дунё иқтисодиётини тубдан ўзгартиради ва атроф-муҳитни яхшилайди. Лекин, юқорида айтганимдек анъанавий ёқилғи нархининг (қидирув, қазиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш) доимий ортиб бориши, анъанавий ёқилғидан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган бевосита ва билвосита, шу жумладан экологик зарарлар қанчалик даражада эканлигини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда ҳам водород ёқилғисининг таннархи анъанавий ёқилғилар таннархидан унчалик катта фарқ қилмаслиги аён бўлади.

Бугун инсоният олдида мураккаб экологик муаммоларни ҳал этиш масаласи кўндаланг турибди. Қайталанувчи энергия эса муаммолар ечимининг биридир.

Инсон табиатнинг бир бўлаги. Шу боис умум уйимиз — табиатни сақлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Суҳбатдош: Санда САЙХУН

❖ Спорт

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ»

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТДА

БУГУН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИДА ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА GOLDEN GRAND PRIX ТУРКУМИДАГИ АНЪАНАВИЙ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ БОШЛАНАДИ



Мамлакатимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича Golden Grand Prix туркумига кирувчи «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнири илк маротаба бундан роппа-роса ўн бир йил аввал ўтказилганди.

Бу галги беллашувларга ҳам юртимизда катта ҳозирлик кўрилди. Golden Grand Prix туркумидаги баҳсларда Украина, Россия, АҚШ, Куба, Япония, Қозоғистон, Эрон, Озарбайжон, Грузия, Қатар каби дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатлари вакиллари гиламга чиқади. Эътиборлиси, мазкур нуфузли мусобақада эркин кураш бўйича мамлакатимиз мутахассис ва мураббийлари етти (55,60,66,74,84,96 ва 120 кг.) вазн тоифасида олтмиш нафар спортчининг маҳоратини синовдан ўтказиш ниятида.

— Бундай нуфузли мусобақаларнинг Ўзбекистонда уюштирилиши юртимизда истеъдодли ёшларни кашф қилишда алоҳида аҳамият касб этади, — дейди эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Маъмур Рўзиев. — Бугун Олимпия ўйинлари чемпиони ва совриндорлари Артур Таймазов (120 кг.), Магомед Ибрагимов (96 кг.), қитъа ва жаҳон чемпионатлари совриндорлари Сослан Тигиев (74 кг.), Заурбек Сохиев (84 кг.), икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (55 кг.), XII Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Олег Каллагов (96 кг.)лар номи дунёга машҳур. Ушбу турнирда юқоридаги номдор курашчилар билан бир қаторда ўнлаб умидли ёшлар ҳам гиламга чиқишади.

Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи бу халқаро турнирга барча терма жамоалар катта ниятлар билан ташриф буюрмоқда. Ҳар бир вазн тоифасида бир қатор Олимпия ва жаҳон чемпионларининг борлиги беллашувларнинг кескин ва шиддатли ўтишидан дарак бераётир. Жумладан, мухлислар Тошкент гиламларида Андрей Семенцов (66 кг.), Хожимурод Гацалов (96 кг., иккиси ҳам Россиядан), Жой Вильямс (74 кг., АҚШ), Реваз Миндорашвили (84 кг., Грузия) каби кўплаб номдор курашчиларнинг маҳоратини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлишади.

Комил Фатхуллин бош мураббийлигида баҳсларга ҳозирлик кўрган мамлакатимиз юнон-рум курашчиларининг ҳам кайфияти кўтаринки. Йил бошидан бери юнон-рум кураши усталари Россия ва Туркияда ўтган бир қатор йирик халқаро турнирларда ўз омадларини синаб кўришди. Бугунги беллашувларда тажрибали Александр Доктуришвили, Дилшод Орипов, Геннадий Чхаидзе, Равшан Рўзиқулов, Элбек Тожиев, Денис Здориков сингари курашчилар билан бир қаторда ўнлаб ёшлар ҳам Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Учрашувларни ўттизга яқин экстра классли ҳакамлар бошқариб боришади. Улар орасида ҳамюртларимиздан Тоир Ғуломов, Равиль Биктяков сингари тажрибали ҳакамларнинг борлиги қувонарлидир. Яна бир эътиборли жиҳати, тўрт кун давом этадиган ушбу нуфузли мусобақага FILA президенти Рафаэль Мартинетти, Олимпия ва жаҳон чемпионлари Арсен Фадзаев, Александр Медвед каби кўплаб юқори мартабали меҳмонларнинг ташриф буюриши кутилмоқда.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДАСТЛАБКИ УЧ ОЧКО

Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган футбол баҳсларининг Осиё минтақаси иккинчи босқич саралаш баҳсларига кеча старт берилди. Унда мусобақанинг «F» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Тошкентда Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши майдонга тушди.

Учрашувнинг илк дақиқаларидан ташаббусни ўз қўлларига олган Вадим Абрамов шогирдлари мухлисларни хурсанд қилди — 2:1. Вакилларимиздан тўпларни Нодир Қўзибоев ҳамда Марат Бикмаевлар киритишди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз олимпиячилари гуруҳ баҳсларидаги дастлабки уч очкони ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашув эса Сеулда Жанубий Корея — Яман Олимпия терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ
олган сурат

❖ Интер-спорт

МУКОФОТГА НОМЗОДЛАР

Спорт Оскари деб аталувчи «Laureus Award» мукофотига турли номинациялар бўйича номзодлар аниқланди. Хусусан, эркаклар ўртасида бундай мукофотга швейцариялик моҳир теннисчи Роже Федерер, америкалик гольфчи Тайгер Вудс, Мадриднинг «Реал» ва Италия терма жамоаси ҳимоячиси Фабио Каннаваро, 100 метрга югуриш бўйича жаҳон рекордчиси, ямайкалик Асафа Пауэлл ҳамда «Формула-1» автопойгаси ғолиблари немис Михаэль Шумахер ва испаниялик Фернандо Алонсолар рўйхатга олинган. Аёллар ўртасида бундай мукофотга Россиядан лангар билан сакраш бўйича жаҳон рекордчиси Елена Исинбаева билан машҳур теннисчи Мария Шарапованинг номзодлари киритилган.

Шунингдек, бельгиялик теннисчи Жюстин Энен билан франциялик Амели Моресмо, швециялик ўнкурашчи Каролина Клюфт ва франциялик сузувчи Лора Манадулар ҳам мукофотга даъвогар бўлиб туришибди. Франциялик машҳур футболчи Зенидин Зидан эса «Йилнинг қайтиши», футбол бўйича Италия терма жамоаси «Йил жамоаси» номинациялари бўйича мукофотга номзод саналади.

Мукофотларни топшириш маросими 2 апрель куни Барселона шаҳрида бўлиб ўтади.

❖ Наврўз қўшиқлари

БАҲОРНИНГ ЕТТИ НЕЪМАТИ

ЭРТА КЎКЛАМДА ЧУЧМОМА, ҚОҚИ ЎТ, ҚЎЗИҚОРИН ВА БОШҚА БАҲОРИЙ НЕЪМАТЛАРНИ ТЕРАЁТГАНДА ИЖРО ЭТИЛГАН АЙТИМЛАР

Оппоқ гуллаган ўрик шохларида, қоқигулларнинг хушбичим ғунчаларида кўклам нафаси кезиб юрибди. Майин эпкин қирма-қир чопиб, навжувон майсаларни эркалайди. Жанубдан баҳорни соғинган қушлар учиб келаяпти. Арқон эшиб учаётган турналар карвонининг кети узилмайди. Ариқлар бўйида ялпиз тераётган қизчалар толбаргакларини силкитиб, мусаффо кўклам осмонида чарх уриб учаётган илк баҳор элчиларига атаб қўшиқ айтишади.

Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, Аму соҳилларида яшаган қадимги хоразмликлар илк баҳор шабадаси сабзаларни уйғотган дилрабо даврда янги йил байрами — Наврўзни нишонлашар экан. Яна улар байрам дастурхонини етти хил кўкатдан тайёрланган неъмат билан безатишга ҳаракат қилишган.

Юртимизнинг айрим қишлоқларида Наврўз кунлари етти хил кўкатдан махсус сомса пишириш удуми мавжуд. Аслида масаллиғи таркибидаги кўкатлар сони айнан еттита эмас, кўпроқ ёки камроқ бўлишига қарамасдан бу таом «етти кўкатдан пиширилган» дейилаверади.

Хоразмликлар баҳорнинг етти неъмати анъанасига, айниқса, катта аҳамият беришган. Кексаларнинг хотирлашича, илгарилари элнинг обрўли кишиларидан бири — ҳунарманд ва косиблар оқсоқоли етти хил неъмат солинган патнисни кўтариб юриб, Наврўз байрами шодиёналари бошланганлигини халққа маълум қиларкан. Ҳатто «етти син» (афғон удумига кўра «ҳафт син», яъни «етти син» — номи «с» ҳарфи билан бошланадиган етти хил таом пишириш анъанаси)дан бири — сумалакни пиширишда ҳам еттиликка амал қилинаркан. Ундириш учун ивитиб қўйилган буғдой етти кун тахтачага ёйиб қўйилади. Етти кундан сўнг униб чиққан майса етти марта сувда ювилгач, сиқиб суви олинади.

Хоразмликларнинг яна бир одатига кўра, Наврўз кунлари байрам дастурхонига «Наврўз гўжа» қўйилади. Наврўзнинг «етти кўкати» ҳақидаги қадимий тасаввурлар асосида пайдо бўлган бу удум хоразмликлар орасида кенг тарқалган. «Наврўз гўжа» масаллиғининг таркиби ҳам етти нарсадан иборат бўлади: жўхори, буғдой, арпа, тариқ, гуруч, мош, ловия.

Дастурхонни етти хил неъмат билан безатиш удуми жаҳоннинг бошқа халқларига ҳам маълум. Германиянинг айрим шаҳар ва қишлоқларида янги йилда байрам столи етти хил кўкат билан безатилади. Японлар эса 1-3 январда бир-бирларинки-га кўкатдан қилинган таомлар олиб борадилар. Қизлар бамбук саватларига «кўкламнинг етти кўкатини» терадилар. Гўё бундай кўкатлар барча дардларга даво бўлармиш. Қишлоқларда япон аёллари бу кўкатларни гуруч билан қўшиб байрам дастурхонига тортадилар.



Фольклоршунос олим марҳум Музайяна Алавиянинг хотирлашича, илгарилари Тошкент вилоятининг тоғолди қишлоқларида кўклам кунлари қиз-жувонлар дала-қирларга кўкат тергани чиқишган. Сижжак қишлоғида истиқомат қилувчи қизлар баҳорда тоғларга чиқиб, наврўзгул, навшодил, шунгула (сабзининг баргига ўхшаб чиқадиган бу шифобахш ўсимликнинг оқ рангли чучук сабзисини пиширмай ейдилар), тоғпиёз (пиёзи сутли бўлган бу кўкатни ошга, норинга солса жуда мазали бўлади), зирк (унинг қора ва қизил рангли тури мавжуд бўлиб, одатда қизил гуллайди, ошга солинади), қатранғи терадилар.

Тоғларга чиққанларида ожуд (катта сабзидай, томирлари хушбўй, хуштаъм ўсимлик бўлиб, унинг томирини худди лавлагини пиширгандай пиширишириб ейдилар), олғи (томирида худди картошкага ўхшаган тугунаклари бўлади, уни сутда пиширадилар) деган ўсимликларни ҳам терадилар. Халқ орасида *«Олғи деманг, ожуд деманг бизни, уч ой боқамиз сизни»*, — деган нақл ҳам айтилган экан.

Қадимда одамлар дунёда инсонни боқадиган ва бой-бадавлат қиладиган етти хазина, инсоният қўли билан бунёд этилган архитектура ва санъат дурдоналари — етти мўъжиза бўлгани каби, барча ўт-ўланлар, дов-дарахтлар орасида етти хил кўкат алоҳида аҳамиятга эга деб тушунган. Шу тариқа «кўкламнинг етти кўкати» ҳақидаги хилма-хил халқ қарашлари яратилган. Бутун табиат уйғонадиган кўклам байрамида «етти кўкат» анъанасига амал қилишнинг ҳам муайян ҳаётий асослари бор: қиш бўйи осуда ухлаган она-табиат уйғонадиган, дала-қирлар яшил либосини кийдиган, новдалар оппоқ дурга беланадиган ғаройиб фасл одамларга олам-олам қувонч бахш этади.

ЧУЧМОМА

Қадимда болалар чучмомани «Чув-чув момо» деб аташган. Эрта баҳор кунлари чучмома териш учун далага йўл олган болаларнинг ҳар бири бу кўклам даракчисини биринчи бўлиб кўришга ошиққанлар. Далада чучмомани излаётганда:

Чимма, чимма, чиралай,
Сенинг кўзинг қуралай, —

деб қўшиқ айтганлар.

Биринчи чучмомага кўзи тушган болакай қувончини ичига сиғдиролмай, завқ-шавқ билан шундай қўшиқ қуйлаган:

Янги тўнинг кийиб чиқ,
Кўҳна тўнинг қўйиб чиқ,
Чув-чув момо, чиқ, чиқ!

ҚОҚИ ЎТ

Болалар Наврўзда қоқи ўт гулларини тераётганда қуйидаги айтимни ижро этишган:

Топил, топил, топғач қуш,
Топилмасанг ўтғач қуш!

ҚЎЗИҚОРИН

Кўкламда момақалдироқ бўлиб, осмон гумбурлаганда одамлар ерга — қўзиқорин тушди деб хурсанд бўлишган. Баъзан кўпчилик бўлиб, қўзиқорин кўп бўладиган жойларга бориб, тоза қўзиқоринларни териб келиб, кабоб қилиб ейишган.

Ўзбекларнинг мифологик тасаввурларига кўра, момақалдироқ гумбурласа, осмондан қўзиқорин тушар эмиш. Хусусан, Қизилтепа туманидаги Бўстон қишлоғида яшовчи Феруза Темированинг айтишича, момақалдироқ бўлганда, ер қўрқаркан. Шундан ер бетида чизиққа ўхшаш ёриқлар пайдо бўлармиш.

Шу боис қадимги одам ҳам момақалдироқнинг ваҳимали овози ҳамма нарсани, шу жумладан, заминни ҳам даҳшатга солади, деб ўйлаган. Тошкентлик Санталат Аъзамованинг ҳикоя қилишича, момақалдироқ гумбурлатиб сандиғини очганда, унинг ичидаги совғалари ерга тўкилар экан. Момақалдироқ сандиғидан тўкилган совғалар рўйи заминдан қўзиқорин бўлиб кўкариб чиқар эмиш.

(Давоми бор.)

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

(Боши ўтган сонларда.)

КЎКЛАМ ҲИКМАТЛАРИ

- *Яхши кун саҳаридан, яхши йил баҳоридан.*
- *Деҳқон режаси баҳорда, сарҳисоби кузда.*
- *Кун ғамини саҳардан е, куз ғамини баҳордан.*
- *Баҳорги ҳаракат, кузги баракат.*
- *Баҳорги беғамлик — кузги пушаймонлик.*
- *Бирни кессанг, ўнни эк.*
- *Баҳорги меҳнат — қишки роҳат.*
- *Кўклам — меҳнат билан кўркам.*

Тошкент кимё-технология институти томонидан 1997 йилда Сапаров Алишер Абдулажоновичга берилган №186606 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси «Чағониён» газетаси бош муҳаррири Зоир Мамажоновга ўғли **НУРИДДИН**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

❖ Тадбир

МУҲОФАЗА КУНДА КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари пойтахтимиз аҳолиси тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда кечиктириб бўлмайдиган авария-тиклаш, қидирув-қутқарув ишларини самарали ташкил этиш, юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни олиб боришяпти.

Жойларда қўмондонлик-штаб ўқув машқлари ўтказилмоқда. Юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш, раҳбар ходимларни тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида Тошкент шаҳар, Ҳамза туманида махсус тадбир ташкил қилинди. Аҳмаджон Назаров маҳалласи ҳамда Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежида «Сув тошқини ва узоқ муддатда сув босиб туришининг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш ишларини ташкил қилиш» бўйича туман ҳокимлиги, фуқаро муҳофазаси хизматлари, авария-тиклаш гуруҳлари, туман ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар, иқтисодиёт объектлари, ўқув муассасалари раҳбарлари иштирокида амалий махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди. Тадбир давомида маҳалла аҳолисидан ташқари, шу туманда жойлашган 230-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари, Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи талабалари махсус ажратилган автобуслар ёрдамида Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси экипажлари кузатувида хавфсиз жойга эвакуация қилинди.

Қўмондонлик-штаб ўқув машқининг иккинчи босқичида «Зилзила содир бўлганда мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларини хавфсиз жойга эвакуация қилиш ҳамда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» мавзуида махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.

Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ёнғин содир бўлганда ёнғинни бартараф этиш ва жабрланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган авария-қутқарув ишларини олиб боришда объект раҳбарияти ва тузилмаларининг фуқаро муҳофазаси хизматлари билан биргаликдаги ҳаракатлари» бўйича махсус-тактик ўқув машқи ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир режасига мувофиқ, Ҳамза туманидаги 152-,166-,170- умумтаълим мактабларида «Сув тошқини оқибатларини бартараф этиш ҳамда мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларини хавфсиз жойга кўчиришда жабрланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш» тактик ўқув машқи ўтказилган бўлса, шу тумандаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида «Бино ичида ёнғин содир бўлиши оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва эвакуация тадбирларини амалга ошириш» мавзусида махсус-тактик ўқув машқи кун тартибидан жой олди.

Шунингдек, туман ҳудудидан оқиб ўтувчи 16 та канал қирғоқларини мустаҳкамлаш, ўзанларини чиқиндилардан тозалаш ишлари олиб борилди.

Азамат СУЮНОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.30
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda